

2020 у. «13» апрель  
№ 60

**“Ўзтрансгаз” АЖ ижроия аппарати ва таркибий тузилмалари ходимлари учун одоб-ахлоқ қоидаларини жорий этиш тўғрисида**

“Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти ижроия аппарати ва таркибий тузилмалари ходимларининг касбий одоб-ахлоқининг умумий принциплари ва хизматдаги хулқ-атворининг асосий қоидаларини белгилаш ҳамда ушбу принципларга риоя этилишини таъминлаш мақсадида,

**БУЮРАМАН:**

1. Жамият ижроия аппарати ва таркибий тузилмалари ходимлари учун “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти ходимларининг Одоб-ахлоқ қоидалари (кейинги ўринларда Одоб-ахлоқ қоидалари деб аталади) 1-иловага мувофиқ ҳамда Одоб-ахлоқ қоидаларини тартибга солиш бўйича Комиссия Тартиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин. ✓

2. Персонални бошқариш департаменти (Бобоев)га:

Жамият ижроия аппарати ва таркибий тузилмаларида ишловчи ходимларнинг Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини назоратга олсин;

Жамият ижроия аппаратининг ҳар бир ходимини Одоб-ахлоқ қоидалари билан таништириш ишларини ташкиллаштиради ҳамда ушбу топшириқни таркибий тузилмаларда амалга оширилишини таъминласин;

таркибий тузилмаларга хизмат сафарига юборилаётган ходимлар объектларга чиққанида уларга ажратилган махсус кийимда юришлари бўйича ходимларни огоҳлантирсин.

3. Жамият таркибий тузилмалари раҳбарларига:

ходимлар томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя этилишини таъминласинлар ва ушбу қоидалар билан ҳар бир ходим таништирилсин;

иш жойларида барча ходимлар уларга ажратилган махсус кийимларда иш фаолиятларини олиб боришини назоратга олсинлар;

мазкур буйруқ ва Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилмаган раҳбар ва ходимларга нисбатан Меҳнат қонунчилигида белгиланган тартибда чоралар кўрилиши бўйича огоҳлантирилсин.

4. Жамият ишларни бошқариш бўлими (Мурзакулов) мазкур буйрукни барча таркибий тузилмаларга етказилишини таъминласин.

5. “Ўзтрансгаз” АЖнинг 2018 йил 29 октябрдаги “Ўзтрансгаз” АЖ тизимининг ички хавфсизлигини таъминлаш, ходимларининг масъулиятини ошириш, улар томонидан ножўя хатти-ҳаракатлар содир этилишини олдини олиш борасидаги фаолиятини янада кучайтириш тўғрисида”ги 661-сон буйруғи ва ушбу буйрук билан тасдиқланган иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур буйрук ижроси устидан назоратни ўз зиммамда қолдираман.

**Бошқарув раиси**



**У. Сайидов**

## “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари

### I. Умумий қоидалар

1. Ушбу “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари (кейинги ўринларда Одоб-ахлоқ қоидалари деб аталади) эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар, ходимларнинг касбий одоб-ахлоқнинг умумий принциплари ва хизматдаги хулқ-атворининг асосий қоидалари йиғиндисидан иборат.

2. Одоб-ахлоқи қоидалари ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга, улар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга, ходимларини юксак ҳуқуқий онг, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига қатъий риоя қилиш руҳида тарбиялашга йўналтирилган.

3. “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамиятига (кейинги ўринларда “Ўзтрансгаз” АЖ деб аталади) ишга кираётган шахслар Одоб-ахлоқ қоидалари билан имзо қўйдирган ҳолда таништириладилар.

4. “Ўзтрансгаз” АЖ ходимлари қонун ҳужжатлари ва Одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этишлари шарт.

Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш ходимларнинг касбий фаолиятини ва хизматдаги хулқ-атворини баҳолаш мезонларидан бири ҳисобланади.

### II. “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти ходимлари хулқ-атворининг асосий принциплари ва қоидалари

5. “Ўзтрансгаз” АЖ ходими ўз касбий фаолиятини қуйидаги принциплар асосида амалга ошириши керак:

қонунийлик;

фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;

ватанпарварлик ва хизмат бурчига фидойийлик;

давлат ва жамият манфаатларига содиқлик;

адолатлилик, ҳалоллик ва ҳолислик;

манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик.

6. “Ўзтрансгаз” АЖ ходими қуйидагиларга мажбур:

ўз хизмат вазифаларини бажаришда давлат принциплари ва талабларига қатъий риоя этиш;

ўз хизмат вазифаларини виждонан, юксак касбий даражада бажариш;

юқори ташкилот ва мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган (берган) қарорларини (топшиқларини) ўз вақтида ва сифатли бажариш;

ўз фаолиятини қонун ҳужжатларида ва ички ҳужжатларида белгиланган лавозим вазифаларидаги ваколатлари доирасида амалга ошириш;

ўз хизмат вазифаларини бажаришда бирор-бир шахслар, гуруҳлар ёки ташкилотларга ён босмаслик ва устунлик бермаслик, уларнинг таъсирдан мустақил бўлиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва қонуний манфаатларини ҳисобга олиш, камситиш ҳолатларига йўл қўймаслик;

ўз хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилувчи бирор-бир шахсий, мулкый ва бошқа манфаатларнинг таъсири билан боғлиқ бўлган хатти-ҳаракатларга барҳам бериш; норматив-ҳуқуқий ҳужжат ва идоравий ҳужжатларда белгиланган чеклашлар ва тақиқларга риоя қилиш, ўз хизмат вазифаларини оғишмай бажариш;

ўз хизмат фаолиятига бирор-бир таъсир кўрсатиш имкониятига барҳам бериш;

Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар халқларининг урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилиш, турли этник, ижтимоий гуруҳлар ва конфессияларнинг

маданий ҳамда бошқа хусусиятларини ҳисобга олиш, ижтимоий барқарорликка, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликка қўмаклашиш;

ўзларининг хизмат вазифаларини виждонан бажаришда шубҳа пайдо қилиши мумкин бўлган ҳулқ-атвордан ўзини тийиш, шунингдек ўз обрўсига ёки давлат органининг нуфузига зарар етказишга қодир бўлган вазиятларга йўл қўймаслик;

хизмат мавқеидан давлат органлари, бошқа ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек фуқаролар фаолиятига ноқонуний таъсир кўрсатиш учун фойдаланмаслик;

“Ўзтрансгаз” АЖ хабарларини ва хизмат ахборотларини тақдим қилишнинг белгиланган қоидаларига риоя этиш;

хизмат вазифаларини бажариш чоғида иш шароитлари ва хизмат тadbирларининг шаклига боғлиқ ҳолда ходимнинг ташқи кўриниши фуқароларнинг ташкилотга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишига ёрдам бериши, умумий қабул қилинган иш услубига мувофиқ бўлиши, улар расмийлиги, ҳар томонлама нейтраллиги, вазминлиги ва тартиблилиги билан ажралиб туриши керак;

ходимлар иш вақтида корпоратив (ишчанлик) кийиниш услубига кўра, эркин ҳаракатланиш учун қулай ва касбга мос ҳолда кийиниши белгилансин.

**Ходимлар кийинишда қуйидагиларга риоя этилиши белгилаб қўйилсин:**

кийимларнинг ўта тор ёки ўта кенг бичимда бўлмаслиги;

кийимларнинг тоза ва дазмолланган бўлиши;

ходимнинг турли дин ва конфессиялар ҳамда турли субмаданиятларга мансублигини акс эттирувчи кийимларда бўлмаслиги;

умумэтироф этилган миллий-анъанавий ва маънавий-ахлоқий тарбияга зид келмайдиган кийимларда бўлиши, спорт кийими (пойабзали)да бўлмаслиги;

эркаклар мавсумга қараб – классик услубдаги шим, костюм-шим (имкон қадар қора, тўқ кўк рангда), қўйлак (оқ, хаворанг ва шу каби), бўйинбоғ, пойабзал (қора рангда бўлиши тавсия этилади) кийиш;

аёллар мавсумга қараб – классик услубдаги юбка, костюм-юбка (имкон қадар қора, тўқ кўк рангдаги), ҳаво ҳароратига қараб классик услубдаги шим (имкон қадар қора, тўқ кўк рангдаги), танани шаффоф кўрсатиб турмайдиган кофта (оқ, хаворанг ва шу каби), қўйлак, пойабзал (қора рангда бўлиши тавсия этилади) кийиш.

**Ходимларнинг ташқи кўриниши бўйича қуйидаги талаблар белгиланади:**

танасининг очиқ қисмига татуировка тушурилмаган ёки пирсинг қилинмаган бўлиши, соқоли олинган, сочи тартибга келтирилган ва ёрқин (ғайриоддий) рангларга бўялмаган бўлиши;

қулоқ ва бармоқлардан ташқари тананинг турли қисмларига зирак ёки металл буюмлар тақиб юрмаслик;

аёллар юзини кўзга ташланалиган даражада макияж қилмаган, сирга тақилганда оддий бўлиш.

Махсус хизмат кийимлари жорий қилинган ходимларнинг кийиниши бўйича алоҳида талаблар белгиланиши мумкин.

7. Сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлик, шунингдек шахсий важлар ва бошқа субъектив сабаблар ходимларнинг қонун ҳужжатлари талабларини ҳамда Одоб-ахлоқ қоидаларини бузиши учун асос бўла олмайди.

8. Агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, “Ўзтрансгаз” АЖ ходимларига ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан бирор-бир моддий бойликларни олиш ёхуд жисмоний ёки юридик шахслардан бошқача наф қўриш тақиқланади.

9. “Ўзтрансгаз” АЖ ходимлари коррупция ҳолатларига қарши курашиши ва уларнинг профилактикасига фаол қўмаклашиши шарт.

“Ўзтрансгаз” АЖ ходимлари ўз раҳбарини ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини уларни ҳуқуқбузарликлар содир этишга оғдириш мақсадида бирор-бир шахсларни қилган мурожаатларининг барча ҳолатлари тўғрисида, шунингдек бошқа

ходимлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг ўзларига маълум бўлган ҳар қандай ҳолатлари ҳақида хабардор қилиши шарт.

“Ўзтрансгаз” АЖ раҳбарлари ходимларнинг қонунчиликнинг бузилиши фактлари тўғрисида мурожаати, ёхуд билдирилган фикр ва мурожаатдаги танқиди учун, худди шунингдек бошқача шаклда танқид қилганлиги учун ишдан бўшатилишига ёки бошқача шаклда таъқиб қилинишига йўл қўймаслигини таъминлаши керак.

10. “Ўзтрансгаз” АЖ ходимлари касбий фаолияти давомида ўзларига маълум бўлган ахборотнинг сақланишини ва махфийлигини таъминлаш юзасидан барча чораларни қўришлари шарт, уларнинг ошкор этилганлиги учун улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

#### 11. Раҳбар:

Ўзига бўйсунувчи ходимларга нисбатан юқори профессионализм, софлик ва адолатда ўрнак бўлиши, Жамият ёхуд унинг таркибий тузилмаларида маънавий-психологик муҳит шаклланишига қўмаклашиши лозим, у бўйсунувчи ходимлардан уларнинг хизмат вазифалари доирасидан чиқиб кетадиган топшириқларни бажаришини талаб қилмаслиги, шунингдек қонунга хилоф хатти-ҳаракатларни содир этишга ундамаслиги керак.

кадрларни қариндошлик, ҳамшаҳарлик ёки шахсий садоқат белгилари бўйича танлаш ва жой-жойига қўйиш ҳолатларига йўл қўймаслиги керак. У гуруҳбозлик, маҳаллийчилик, фаворитизм кўринишларининг, шунингдек ўз хизмат вазифаларини бажариш жараёнида бошқа салбий омилларнинг қатъий равишда олдини олиши лозим.

манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уларни тартибга солиш юзасидан ўз вақтида чора-тадбирлар қўриши;

коррупциянинг олдини олиш чораларини қўриши;

ходимларни самарали бошқариши, ўзига ишониб топширилган мулкка ва молиявий маблағларга эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан муносабатда бўлиши шарт. Раҳбар ўзига бўйсунувчи, хизматдаги хулқ-атвори принциплари ва қоидаларини бузаётган ходимларнинг хатти-ҳаракатларига (ҳаракатсизлигига) йўл қўйилмаслиги чораларини кўрмаганлиги учун жавоб беради.

12. “Ўзтрансгаз” АЖ ходимлари ўзларининг хизматдаги хулқ-атвори билан жамоада бошқа тақшилот ходимлари билан ўзаро ишчанлик ва амалий ҳамкорлик қарор топишига даъват этилган.

“Ўзтрансгаз” АЖ ходимлари ҳушмуомала, илтифотли, одобли, эътиборли, фуқаролар ва ҳамкасблари билан муносабатда сабр-тоқатли бўлиши, уларни ҳурмат қилиши шарт. Ходимлар ўзига бўйсунувчиларга ва фуқароларга нисбатан қўполлик қилмаслиги, одамларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситмаслиги, уларга асоссиз психологик ва жисмоний таъсир кўрсатиш ҳолатларига йўл қўймаслиги керак.

Хизмат вазифаларини бажариш чоғида иш шароитлари ва хизмат тадбирларининг шаклига боғлиқ ҳолда “Ўзтрансгаз” АЖ ходимларининг ташқи кўриниши фуқароларнинг “Ўзтрансгаз” АЖга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишига ёрдам бериши, умумий қабул қилинган иш услубига мувофиқ бўлиши, улар расмийлиги, вазминлиги ва тартиблилиги билан бошқалардан ажралиб туриши керак.

13. “Ўзтрансгаз” АЖ ходимлари хизматдан ташқари вақтда умумий қабул қилинган одоб-ахлоқ нормаларига риоя этишлари, ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслиги керак.

### III. Манфаатлар тўқнашуви

14. “Ўзтрансгаз” АЖ ходимлари ўз хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашувига сабаб бўладиган шахсий манфаатдорлик ҳолатларига йўл қўймасликлари керак.

Манфаатлар тўқнашуви “Ўзтрансгаз” АЖ ходимларининг шахсий манфаатлари уларнинг ўз хизмат вазифаларини ҳолисона ва бегараз бажаришига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолатларда пайдо бўлади.

“Ўзтрансгаз” АЖ ходимларининг шахсий манфаатдорлиги уларнинг шахсан ўзи ёки яқин қариндошлари, шунингдек улар яқин ёки ишбилармонлик муносабатларида бўладиган бошқа шахслар учун ҳар қандай наф қўриш ёки афзалликларга эга бўлишни ўз ичига олади.

Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда “Ўзтрансгаз” АЖ ходимлари ўз раҳбарини дарҳол хабардор қилиши керак.

Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисидаги маълумотни олган раҳбар уни тартибга келтириш бўйича ўз вақтида чоралар қўриши шарт.

15. “Ўзтрансгаз” АЖ ходимлари тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши тақиқланади.

“Ўзтрансгаз” АЖ ходимлари ўзларининг ўз хизмат вазифаларини зарур даражада бажаришига ёки уларга зарар етказиши мумкин бўлган фаолиятни амалга оширмаслиги, шунингдек лавозимни эгалламаслиги керак.

“Ўзтрансгаз” АЖ ходимлари ҳар қандай ҳолатларда ҳам ўз хизмат мавқеидан мумкин бўлмаган шахсий фойдани олиши мумкин эмас.

“Ўзтрансгаз” АЖ ходимлари ўз раҳбарини манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик бўйича чоралар қўриш мақсадида тижорат ташкилотларининг устав капиталда иштирок этиши тўғрисида хабардор қилиши шарт.

16. “Ўзтрансгаз” АЖ ходимлари лавозимга тайинланаётганда ва хизмат вазифаларини бажараётганда ўзининг хизмат вазифаларини зарур даражада бажаришига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорлигининг мавжудлиги ёки мавжуд бўлиши имконияти тўғрисида маълум қилиши шарт.

#### **IV. Одоб-ахлоқ қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик**

17. “Ўзтрансгаз” АЖ ходими томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши уни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун асос бўлиши мумкин.

18. “Ўзтрансгаз” АЖ ходимлари томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши аттестациялар ўтказишда, юқори ва бошқа лавозимларга тайинлаш учун кадрлар захирасини шакллантиришда ҳисобга олинади.

19. Ушбу Одоб-ахлоқ қоидалари нормаларининг бузилишлари махсус таркибий бўлинма ёки Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан қўриб чиқилади.

Одоб-ахлоқ комиссияси, махсус таркибий бўлинма мавжуд бўлмаган тақдирда, ходимлардан камида 5 кишидан иборат таркибда тузилади. Одоб-ахлоқ комиссиясининг мақсади, вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, жавобгарлиги ва унинг фаолиятини ташкил этишининг бошқа масалалари давлат органи томонидан тасдиқланган Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги Низомда белгиланади.

Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши ҳолатларини махсус таркибий бўлинма ёки Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан қўриб чиқиш натижалари бўйича интизомий ёки бошқача тарздаги қоида бузилишларининг мавжудлиги (мавжуд эмаслиги) тўғрисида ҳулоса чиқарилади. Айни вақтда Жамият раҳбариятининг қўриб чиқишига қоидалар бузилишини содир этган ходимларни жавобгарликка тортиш тўғрисида таклиф киритилади. Йўл қўйилган қоида бузилишининг характерини ҳисобга олган ҳолда, Одоб-ахлоқ комиссияси ходимга нисбатан Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилишига йўл қўймаслик тўғрисидаги огоҳлантириш билан чекланиши мумкин.

“Ўзтрансгаз” АЖ ходимлари ўзлари йўл қўйган қоида бузилиши, қоида бузилишининг қўриб чиқилиши жараёни ҳақида ахборотни олиш ва ўзини ҳимоя қилиш учун далилларни тақдим этиш, шунингдек Жамият томонидан қабул қилинган қарорлар юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

**“Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларини тартибга солиш бўйича Комиссияси ТАРТИБИ**

**1. Умумий қоидалар**

1.1. Мазкур Тартиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларини тасдиқлаш туғрисида”ги 62-сон қарори ва “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти ва таркибий тузилмалари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари (кейинги ўринларда одоб-ахлоқ қоидалари деб аталади) доирасида ишлаб чиқилган.

1.2. Мазкур Тартиб “Ўзтрансгаз” АЖ ижроия аппарати одоб-ахлоқ қоидаларини тартибга солиш Комиссияси (кейинги ўринларда – Комиссия деб аталади)ни шакллантириш жараёни принципларини ва фаолиятини тартибга солади.

1.3. Ўз фаолиятида Комиссия Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, “Ўзтрансгаз” АЖ Устави ва мазкур Тартиб доирасида амалга оширади.

1.4. Комиссиянинг асосий мақсадлари:

“Ўзтрансгаз” АЖ ижроия аппарати ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамият Устави ва одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини назорат қилади; ходимларга одоб-ахлоқ қоидалари доирасида вужудга келган муаммоларни ҳал этишда ёрдам бериш;

одоб-ахлоқ қоидаларига мувофиқ юзага келган манфаатлар тўқнашувларини олдини олиш мақсадида профилактика ишларини олиб бориш;

одоб-ахлоқ қоидаларида манфаатлар тўқнашувлари юзага келганда уларни муроса йўли орқали ҳал этиш чораларини кўриш;

ҳодимлар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаслик ҳолатлари аниқланганда уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллашни олдини олиш мақсадида суриштирув ишларини ташкил этиш;

одоб-ахлоқ қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

**2. Комиссияни шакллантириш ва фаолиятини ташкил этиш**

2.1. Комиссия таркибини шакллантиришда манфаатлар тўқнашувини олдини олган ҳолда шакллантириш ва бу ўз навбатида Комиссиянинг қарор қабул қилишига ўз таъсирини кўрсатмаслиги лозим.

2.2. Комиссия таркиби беш кишидан иборат бўлиб Жамият ижроия аппаратининг масъулиятли ходимлари орасидан тузилади. Комиссия ишига Жамият ижроия аппаратининг бошқа ходимлари эксперт сифатида жалб қилиниши мумкин.

2.3. Комиссиянинг таркибига қуйидаги департамент масъул ходимлари киритилади:

Персонални бошқариш департаменти бошлиғи, Комиссия раиси;

Касаба уюшмаси раиси Комиссия аъзоси;

Иқтисодий таҳлил ва меҳнатни ташкил қилиш бўйича департамент бошлиғи, Комиссия аъзоси;

Юридик бўлим бошлиғи, Комиссия аъзоси;

Меҳнат муҳофазаси ва саноат хавфсизлиги бўлими бошлиғи, Комиссия аъзоси;

Капитал қуйилмалар назорати бўйича бўлими бош мутахассиси, Комиссия котиби.  
Комиссия аъзолари ва Комиссия ишига жалб қилинган ходимлар бегараз асосда фаолият юрताди.

#### 2.4. Комиссия раиси:

Комиссия ишини ташкил қилади;  
Комиссияни чақиради ва йиғилиш ўтказди;  
Комиссия аъзоларига ва жалб қилинган (экспертлар) ходимларга тегишли топшириқлар беради;  
“Ўзтрансгаз” АЖ маъмурияти билан бўлган муносабатларда Комиссия номидан иш кўради.

2.5. Комиссия раиси йўқлигида (хизмат сафари, меҳнат таътили, меҳнатга лаёқатсизлиги, ойлик иш ҳақи сақланмаган таътилда ва бошқа) уни вазифаси Комиссия аъзолари ичидан ўзлари тайинланган ходим бажаради.

2.6. Комиссия котиби ишни ташкиллаштиради, келган мурожаатларни рўйхатга олади, Комиссияга оид бўлган ҳужжатларни сақлайди ва йиғилишларни ташкиллаштиради.

2.7. Кун тартибига киритилган масалани кўриб чиқишда Комиссия аъзосининг тўғридан-тўғри ёки билвосита шахсий манфаати юзага келса, у манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин, шунинг учун Комиссия аъзоси бу ҳақда йиғилиш олдидан эълон қилиши шарт. У ҳолда, у ушбу масалани кўриб чиқишда иштирок этмайди.

2.8. Комиссия раиси зарур ҳолларда “Ўзтрансгаз” АЖ ижроия апаратидан ходимларни Комиссия ишига эксперт сифатида овоз бериш ҳуқуқи билан жалб қилишга ҳақли. Комиссия ишига эксперт сифатида жалб қилинаётган ходим мазкур тартиб билан Комиссия иши бошлангунга қадар имзо қўйган ҳолда таништирилиши лозим.

2.9. Комиссия аъзолари ва эксперт сифатида жалб қилинганлар Комиссия иши жараёнида конфиденциал маълумотларни четга тарқатилишига йўл қўйилмайди. Комиссия фаолиятида олинган маълумотлар фақат одоб-ахлоқ қоидаларида ҳамда маълумотлар тўғрисида, маълумотлаштириш ва маълумотларни ҳимоя қилиш қонунчилигида ишлатилиши мумкин.

2.10. Комиссия йиғилиши заруратга кўра ташкил этилади. Йиғилишни очик деб эълон қилиш учун Комиссия аъзоларининг 3/2 қисми иштирок этиши лозим. Комиссия қарори кўпчилик очик овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда Комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

### 3. Комиссияни ишлаш тартиби

3.1. Комиссия йиғилишини ташкил этишга ходимнинг (лавозимидан қатъий назар) ҳар қандай одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши тўғрисидаги Комиссияга ёзма мурожаати асос бўлади.

3.2. Комиссия ваколатига кирмайдиган масалаларни (жиноят, маъмурий қонда бузарлик ва меҳнат интизомини бузганлик тўғрисидаги суриштирувларни) кўрмайди.

3.3. Ходим томонидан одоб-ахлоқ қоидаларини бузганлик тўғрисидаги тақдим қилган мурожаатни ўз вақтида кўриб чиқиш ва унинг ечимида қонунчиликда белгиланган тартибда ечимини топишда, одилона, одоб-ахлоқ қоидалари тартибига риоя қилган ҳолда қарор қабул қилиш.

3.4. Комиссия раиси унга келиб тушган маълумотларга асосланган ҳолда Комиссия йиғилишини ўтказишда:

уш иш кунини ичидан Комиссия йиғилиши санасини белгилайди. Шу билан бирга келиб тушган маълумотларга асосланган ҳолда Комиссия йиғилиши санасини етти иш кунидан кечиктирмасдан белгилайди (ушбу муддатга ходимнинг узурли сабабларга кўра ишда бўлмаган вақти: меҳнат таътили, вақтинча ишга лаёқатсизлик даври ва б.);

келиб тушган мурожаат (маълумот) билан одоб-ахлоқ қоидаларини бузган ходимни (имзо кўраётган ҳолда), Комиссия аъзоларини ва бошқа йиғилиш иштирокчиларини



таништиради.

3.5. Комиссия йиғилиши одоб-ахлоқ қоидалари тартибини бузган ходим иштирокида ўтказилади. Агар одоб-ахлоқ қоидалари тартибини бузган ходим Комиссия йиғилишида иштирок этмаслиги ва ушбу йиғилишни унинг иштирокисиз ўтказилишини ёзма тартибда тақдим этса у ҳолда Комиссия йиғилиши унинг иштирокисиз ўтказилади.

Агар Комиссия йиғилишида одоб-ахлоқ қоидалари тартибини бузган ходим иштирок этмаса ва иштирок этаолмаслиги тўғрисида ёзма равишда мурожаат этмаган бўлса у ҳолда Комиссия йиғилиши қолдирилади. Шунингдек, Комиссия йиғилишига иккинчи маротаба сабабсиз иштирок этмаслик Комиссия йиғилишини кейинга қолдиришга сабаб бўлмайди. У ҳолда Комиссия йиғилишида иштирок этувчилар ва тақдим этилган маълумотларга асосланган ҳолда қарор қабул қилади.

3.6. Комиссия масалани мурожаатда келтирилган маълумотлар ва важлар асосида қўриб чиқади. Мурожаатда келтирилган масалани ўзгартириш ва унга қўшимчалар киритиш қатъиян ман этилади.

3.7. Комиссия йиғилишида ходимнинг (унинг розилиги билан) тушунтиришлари тингланади, тақдим этилган даъволарнинг моҳияти бўйича материаллар, шунингдек қўшимча материаллар қўриб чиқилади.

3.8. Ушбу масалани қўриб чиқиш натижалари бўйича Комиссия қўйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

- а) Ходимнинг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилганлигини аниқлаш;
- б) Ходимнинг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилмаганлигини аниқлаш ва “Ўзтрансгаз” АЖ бошқарув раиси ходимга одоб-ахлоқ қоидаларини бузишга йўл қўймаслигини кўрсатишини тавсия қилиш;
- в) Ходим одоб-ахлоқ қоидаларини қўпол равишда бузганлигини аниқлаш ва “Ўзтрансгаз” АЖ бошқарув раиси ходимга интизомий жазо қўллаш имкониятини қўриб чиқишни тавсия қилиш;
- г) Ходимнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят таркибидаги аломатларни ўз ичига олган ҳаракатларни қилганлигини (ёки ҳаракатсизлиги) аниқлаш ва Комиссия раисига кўрсатилган ҳаракат (ҳаракатсизлик)нинг бажарилиши тўғрисидаги маълумотни ва тегишли чораларни қўриш учун ушбу фактни тасдиқловчи ҳужжатларни “Ўзтрансгаз” АЖ раҳбариятига топшириш, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига жўнатиш мажбуриятларини юклаш.

#### **4. Комиссия қарорларини қўриб чиқиш тартиби**

4.1. Комиссия қарорлари баённома билан расмийлаштирилади, Комиссиянинг барча аъзолари томонидан имзоланади. Комиссия қарорлари “Ўзтрансгаз” АЖ бошқарув раиси учун тавсиявий хусусиятига эга.

4.2. Комиссия қароридан норози бўлган аъзоси, ўз фикрини ёзма равишда баён этишга ҳақлидир, бу баённомага мажбурий равишда киритилиши шарт ва ходим билан таништирилиши керак.

4.3. Баённома нусхалари йиғилиш ўтган кунидан бошлаб уч иш куни ичида “Ўзтрансгаз” АЖ бошқарув раиси ва ходимга берилади (Комиссия йиғилишида агар бир нечта масалалар қўриб чиқилган бўлса, у ҳолда баённомадан кўчирма берилади), шунингдек, Комиссия қарори бошқа манфаатдор томонларга берилади.

4.4. Ходимнинг бевосита раҳбари (бошлиғи) баённома билан танишган кунидан эътиборан беш иш куни ичида Комиссияга масаланинг мазмуни бўйича қўрилган чоралар тўғрисида ёзма равишда маълумот тақдим этиши шарт.

4.5. Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш тўғрисидаги Комиссиянинг баённомаси ёки унингдан кўчирма ходимнинг шахсий ҳужжатлар жилдига киритилади.

#### **5. Комиссия фаолиятини ташкил этиш**

5.1. Комиссия котиби ўз навбатида Комиссия фаолиятини ташкилий, техник ва ҳужжат билан таъминлаш, шунингдек комиссия аъзоларини кун тартибига киритилган масалалар, йиғилишнинг санаси, вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилади ҳамда Комиссия мажлисида муҳокама қилиш учун тақдим этилган материаллар билан таништиради.

5.2. Комиссиянинг иш фаолияти амалдаги қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

5.3. Комиссия йиғилишлари баёнлари “Ўзтрансгаз” АЖ архивида алоҳида ҳужжат сифатида сақланади.